

## I. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

(Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари  
агентлиги маълумотлар базаси асосида шакллантирилди)


Корхона ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра 2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 27 833 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 27 029 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 97,1% ни ташкил қилди.

Рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотларнинг асосий улуши Наманган шаҳри (36,0%), Чуст (8,2%), Наманган (7,1%) ва Уйчи (6,3%) туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

### Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши (2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да
<b>Вилоят жами</b>	<b>27 833</b>	<b>100,0</b>	<b>27 029</b>	<b>100,0</b>
Наманган ш.	10 006	36,0	9 630	35,6
Мингбулоқ	1 194	4,3	1 176	4,3
Косонсой	1 678	6,0	1 631	6,0
Наманган т.	1 976	7,1	1 920	7,1
Норин	1 266	4,5	1 260	4,7
Поп	1 680	6,0	1 640	6,1
Тўрақўрғон	1 674	6,0	1 636	6,1
Уйчи	1 758	6,3	1 714	6,3
Учқўрғон	1 541	5,5	1 511	5,6
Чортоқ	1 435	5,2	1 397	5,2
Чуст	2 271	8,2	2 201	8,1
Янгиқўрғон	1 354	4,9	1 313	4,9

**Рўйхатдан ўтган субъектларнинг ҳудудлар бўйича улуши, % да**  
(2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 27,8%), саноат (21,1%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳамда қурилиш (7,5% дан) соҳаларига тўғри келади.


**Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши  
(2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**

	<b>Рўйхатга олинган</b>		<b>Фаолият кўрсатаётган</b>	
	<b>бирлик</b>	<b>жамига нисбатан улуши, % да</b>	<b>бирлик</b>	<b>жамига нисбатан улуши, % да</b>
<b>Жами</b>	<b>27 833</b>	<b>100,0</b>	<b>27 029</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2 101	7,5	2 035	7,5
саноат	5 877	21,1	5 730	21,2
қурилиш	2 092	7,5	2 028	7,5
Савдо	7 736	27,8	7 464	27,6
ташиш ва сақлаш	1 012	3,6	989	3,7
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 219	4,4	1 169	4,3
ахборот ва алоқа	415	1,5	400	1,5
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	575	2,1	560	2,1
бошқа турлари	6 806	24,5	6 654	24,6


Фаолият кўрсатаётган қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари жамига нисбатан улуши, фоизда



Фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари ва ташкилотлари сони бўйича маълумотлар, бирликда



**Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, фоизда  
(2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**




- Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги
- Саноат
- Қурилиш
- Савдо
- Ташиш ва сақлаш
- Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- Ахборот ва алоқа
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Бошқа турлар

Корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига фаолият кўрсатаётган субъектларнинг улуши 97,1% ни, шу билан бирга жами корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 2,9% ни ташкил этганлигини кўрсатмоқда, бу кўрсаткич йил бошига нисбатан таққослаганда 0,4%га камайган.

**Корхона ва ташкилотларнинг умумий сонидан фаолият кўрсатаётганлар ва фаолиятсизларнинг улуши, фоизда**

01.04.2019 йил

01.04.2020 йил



Фаолиятсизлар


Фаолият кўрсатаётганлар

2020 йил 1 апрель ҳолатига 22 807 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 6 845 та, оилавий корхоналар – 607 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 14 812 тани ва 543 тани бошқа тижорат корхоналари ташкил этади.

**Қурилиш ишлари бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар сони, бирликда**

01.04.2019 йил

01.04.2020 йил




Бинолар ва иншоотлар қуриш

Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари

Фуқаролик объектларини қуриш

**Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар-хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимланиши, бирликда**



2020 йил январь-март ойларида жами 1 672 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 21,7 %га кам ташкил этилган. Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Наманган шаҳри (389 та), Поп (215 та), Наманган (144 та), Учқўрғон (117 та) ва Чуст (115 та) туманларига тўғри келади. Энг кам эса, Янгиқўрғон (57 та), Косонсой (87 та) ва Мингбулоқ (101 та) туманларига тўғри келади.

**Савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар, бирликда (2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**



**Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар сони, бирликда**  
(2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига)



**55**

Яшаш бўйича хизматлар



**1 114**


Озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар етказиш бўйича хизматлар

**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар сони, бирликда**  
(2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига)

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолият

Яшаш учун жой билан таъмингламаган ҳолда ижтимоий хизматлар кўрсатиш

Яшаш учун жой билан таъминлаган ҳолда парваришlash






**Ахборот ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар тўғрисида маълумот бирликда  
(2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**

■ 2020 йил 1 апрель ҳолатига ■ 2019 йил 1 апрель ҳолатига




**Ҳудудлар бўйича янги ташкил этилган корхона  
ва ташкилотларнинг сони, бирликда  
(2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг улуши савдода 39,5%, саноатда 21,3%, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 15,2%, қурилишда 7,9% ни ташкил этади.

**Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да  
(2020 йилнинг январь-март ойларида)**



тадбиркорлик субъектларининг сони 22 692 тадан ортиқни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2019 йил мос даврига нисбатан 20,9% га ошган.

Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 8369 таси (жами субъектларнинг 36,9%) Наманган шаҳрига, 1860 таси (8,2%) Чуст, 1682 таси (7,4%) Наманган ҳамда 1437 таси (6,3%) Уйчи туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам фаолият кўрсатаётганлар эса 928 таси (4,1%) Мингбулоқ, 1001 таси (4,4%) Норин, 1029 таси (4,5%) Янгикўрғон, 1135 таси (5,0%) Чортоқ, 1227 таси (5,4%) Учкўрғон туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

**2020 йил январь-март ойларида янги ташкил этилган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, фоизда**

46,9 %



**Саноат**

25,5 %



**Савдо**

9,2 %



**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги**

9,2 %



**Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар**

1,0 %



**Ахборот ва алоқа**

1,0 %



**ташиш ва сақлаш**

7,2 %




**Бошқа турлар**

**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг  
ҳудудлар бўйича сони**

	<b>2019 йил 1 апрель ҳолатига</b>		<b>2020 йил 1 апрель ҳолатига</b>	
	<b>бирлик</b>	<b>жамига нисбатан улуши, % да</b>	<b>бирлик</b>	<b>жамига нисбатан улуши, % да</b>
<b>Вилоят жами</b>	<b>18 776</b>	<b>100,0</b>	<b>22 692</b>	<b>100,0</b>
Наманган ш.	7 345	39,1	8 369	36,9
Мингбулоқ	707	3,8	928	4,1
Косонсой	1 136	6,0	1 358	6,0
Наманган т.	1 382	7,4	1 682	7,4
Норин	734	3,9	1 001	4,4
Поп	932	5,0	1 305	5,8
Тўрақўрғон	1 141	6,1	1 361	6,0
Уйчи	1 171	6,2	1 437	6,3
Учқўрғон	935	5,0	1 227	5,4
Чортоқ	923	4,9	1 135	5,0
Чуст	1 550	8,2	1 860	8,2
Янгиқўрғон	820	4,4	1 029	4,5


Фаолият кўрсатаётган жами 22 692 та кичик тадбиркорлик субъектларининг 7 432 таси (32,8%) - савдода, 5 695 таси (25,1%) - саноатда, 2 022 таси (8,9%) - қурилишда, 2 003 таси (8,8%) - қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 1 165 таси (5,1%) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 983 таси (4,3%) - ташиш ва сақлашда, 462 таси (2,0%) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 370 таси (1,6%) - ахборот ва алоқа соҳасида шунингдек, 2 560 таси (11,4%) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса ахборот ва алоқа ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар фаолият турларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %да  
(2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**




2020 йил январь-март ойларида жами 1 626 та кичик тадбиркорлик субъектлари янги ташкил этилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 21,8 фоизга кам ташкил этилган. Энг кўп янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар Наманган шаҳри (375 та), Поп (212 та), Наманган (139 та), Норин (119 та) ва Учқўрғон (113 та) туманларига энг кам ташкил этилганлар эса, Янгиқўрғон (56 та), Мингбулоқ (85 та) ва Тўрақўрғон (100 та) туманларига тўғри келади.

**2020 йил январь-март ҳолатига янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳудудлар бўйича сони, бирликда**



Иқтисодий фаолият турлари кесимида энг кўп ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар савдода (660 та), саноатда (355 та), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (255 та), қурилишда (132 та), ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда (60 та) ташкил этилган. Энг кам эса, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда (25 та), ахборот ва алоқада (27 та) ташкил этилган.

**Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %да (2020 йил январь-март ойларида)**




Кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш асосида уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабабли, фаолият кўрсатмаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг жами рўйхатга олинганларнинг умумий сонига нисбатан улуши юқори бўлмоқда. Жумладан, 2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига Наманган вилоятида жами рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сонига фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 3,0% ни (707 та) ташкил қилган, уларнинг сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 304 тага камайган.

Ҳисобот даврида 271 та кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 159 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 58,7%) ихтиёрий тугатиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар.** 2020 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 236 тани ташкил этган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 80 тага ёки 51,3% га ўсган. Шунингдек, Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 156 таси қўшма корхоналар, 80 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва хорижий корхоналар сони, бирликда  
(2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**



**Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган  
корхоналарнинг давлатлар кесимида  
сони, бирликда  
(2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**




Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг асосий қисми Наманган шаҳар 78 та (33,1%), Косонсой 22 та (9,3%), Поп 21 та (8,9%) Тўрақўрғон 19 та (8,0%), Уйчи 18 та (7,6%), Чортоқ ва Чуст 17 тадан (7,2%дан) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокида корхоналар Мингбулоқ 4 та (1,7%), Учқўрғон 6 та (2,5%) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади.



**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги  
корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони ва улуши  
(2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, % да</i>
<b>Вилоят жами</b>	<b>236</b>	<b>100,0</b>
Наманган ш.	78	33,1
Мингбулоқ	4	1,7
Косонсой	22	9,3
Наманган т.	12	5,1
Норин	11	4,7
Поп	21	8,9
Тўрақўрғон	19	8
Уйчи	18	7,6
Учқўрғон	6	2,5
Чортоқ	17	7,2
Чуст	17	7,2
Янгиқўрғон	11	4,7

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг улуши, фоизда  
(2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**



Фаолият кўрсатаётган 236 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 133 таси (56,4%) саноат, 28 та (11,9%) савдо, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 27 та (11,4%), 12 таси (5,1%) қурилиш, 9 таси (3,8%) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 8 таси (3,4%) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 2 таси (0,8%) ташиш ва сақлашда ҳамда 17 таси (7,2%) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса ташиш ва сақлаш ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар фаолият турларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши  
(2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**

	<b>бирлик</b>	<b>Жамига нисбатан улуши, % да</b>
<b>Жами</b>	<b>236</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>		
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	27	11,4
саноат	133	56,4
қурилиш	12	5,1
савдо	28	11,9
ташиш ва сақлаш	2	0,8
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	8	3,4
ахборот ва алоқа	-	-
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	9	3,8
бошқа турлари	17	7,2

2020 йил январь-март ойларида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 16 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 7 тага камайган ёки 69,6 фоизни ташкил қилган.

Бунда, Россия Федерацияси Республикаси—4та, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркия Республикалари – 2 тадан, Канада, Япония, Швейцария Иттифоқи ва Жанубий Корея Республикалари—1тадан янги корхоналар рўйхатдан ўтган.


Вилоятдаги 16 та янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Тўрақўрғон (5 та), Наманган шаҳар, Наманган тумани, Норин, Поп ва Чуст (2 тадан) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар Косонсой, Уйчи, Учқўрғон, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида ташкил этилмаган.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг  
ҳудудлар кесимидаги сони ва улуши  
(2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, % да</i>
<b>Вилоят жами</b>	<b>16</b>	<b>100,0</b>
Наманган ш.	2	12,5
Мингбулоқ	1	6,3
Косонсой	-	-
Наманган т.	2	12,5
Норин	2	12,5
Поп	2	12,5
Тўрақўрғон	5	31,2
Уйчи	-	-
Учқўрғон	-	-
Чортоқ	-	-
Чуст	2	12,5
Янгиқўрғон	-	-

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда 9 та, савдода 4 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 2 та, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар янги ташкил этилган.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда (2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**



**Оилавий корхоналар.** Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони, 2020 йил 1 апрель ҳолатига 630 тани ташкил этиб, улардан 607 таси ёки 96,3% фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан давлат рўйхатидан ўтганларнинг умумий сонига нисбатан ўртача 55,0% га ошганлигини таъкидлаш мумкин.

**2020 йил январь-март ойларида янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг давлатлар кесимидаги сони, бирликда**

